ИНСОН АРДОҚЛАНГАН ЙИЛ

(Боши 1-бетда).

лан ҳамкорликда бу вазифанинг бажарилишига доир чора-тадбирларни амалга оширди. Жумладан жойларда ёшлар ва ўсмирлар ҳуқуқий ҳамда маънавий тарбияси мавзуида илмий-амалий семинарлар ўтказилди. А. Авлоний номидаги ХТХМОМИда Тошкент давлат юридик институти билан биргаликда 10 ойлик курс ташкил этилиб, унда 600 дан ошиқ уқитувчи қайта тайёрланди. Умумтаълим мактабларининг 9-синфларида «Давлат ва ҳуқуқ асослари», 11-синфларда мактаб компонентига кирган соатлар ҳисобидан «Ҳуқуқшунослик» фани ўтилиши йўлга қўйилиб, бу фанлар бўйича дастурлар ишлаб чиқилди. Шунингдек «Инсон ҳуқуқлари», «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» қўлланмалари ҳамда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» изоҳли луғатининг чоп этилиши нафақат таълим муассасаларида, балки омма ўртасида ҳуқуқий билимларнинг ёйилишига самарали хизмат қилмоқда.

Дастурда республикамиз аҳолисининг кам таъминланган ҳамда ногиронлар, етим-есирларга муносиб турмуш шароити яратиш асосий масалалардан бири эди. Шундай оилалар фарзандларининг барча қатори тенг билим ва тарбия олишларини ташкил этиш Халқ таълими вазирлигининг доимий эътиборида бўлди. Бу борада чиққан Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари жойларда бекаму кўст бажарилиши мунтазам назорат қилиб турилди. Юқорида таъкидланган 50 фоизга оширилганлиги, ақлий ва жисмоний нуқсонли болалар уқув-тарбия муассасалари педагогик ходимлари иш ҳақи ставкаларига қўшимчанинг икки бараварга кўпайтирилганлиги фикримизнинг далили бўла олади.

Поёнига етаётган бу йил яна бир жиҳати, яъни республикамизда инсон маданий, маънавий ва интеллектуал манфаатларини амалга оширишга имкониятларнинг кенгайганлиги билан аҳамиятли. Хусусан таълим-тарбия соҳасидаги бу борадаги саъй-ҳаракатлар самарали бўлди. Халқ таълими вазирлигининг АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти билан ҳамкорликда тузган халқаро битимга биноан ушбу йилда умумтаълим мактабларининг 40 нафар уқувчиси Америкага таълим олиш учун жўнатилди. «Умид» жамғармаси ўтказган танловларда қатнашган талабалардан Англия ва Америка олий уқув юртларида уқиш учун йўлланма олишга эришганлар бўлди. Халқ таълими вазирлиги қошидаги «Истеъдод» маркази томонидан ўтказилган текшириш-синовларда юртимиздаги 800 дан ортиқ ўта зеҳнли уқувчи ёшлар аниқланиб, улар ҳақида маълумотлар йиғилди. Бу эса ушбу ноёб болаларни доимий диққат марказида тутишга ҳамда уларга керагида моддий ва маънавий ёрдам беришда қўл келмоқда. Бу йил уқувчиларимиз фанлар бўйича турли халқаро олимпиадаларда қатнашишиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Улар ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланишди.

Бу каби ютуқлар замирида албатта мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг, аввало, шу ислоҳотлар ижрочиси бўлган инсонлар фаровонлигига қаратилганидадир. Албатта шу кунларда таълим-тарбия соҳасида ходимлар зиммасига янада залворли масъулият юкланди. Яқинда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ўз мазмунига бу соҳани тубдан ислоҳ қилишни жамулжам этган. Ўйлаймизки, ўтаётган инсон манфаатлари йилининг мантиқан давоми сифатида бўсағамизда турган 1998 йил — Оила йилида таълим-тарбия иши умумхалқ ишига айланади. Барча қадриятларимиз, урф-одатларимиз, удумларимиз, қолаверса халқ педагогикасининг илк ўчоғи ҳисобланган оила — боланинг шаклланишидаги илк маскан бўлиб қолаверади.

Камол Убайдулла МАҲАМАТ ҳожи ўғли,
Халқ таълими вазирлигининг ижтимоий масалалар бошқармаси бошлиғи,
Абдусамат РАҲИМОВ,
«Маърифат» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Tadbir

ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

XX аср — техника тараққий этган, гуллаган даврдир бўлди, дея таъриф берамиз. Лекин заминнинг эртанги кунини ўйлайдиган инсонлар асрнинг фожиаларини ҳам теран англаб турибди. Қуёш нурларини зарарсизлантириб турадиган азон қатлами сийраклашиб бормоқда. Бунинг устига саноат корхоналари ҳам атроф-муҳитнинг техника асрига монанд бўлиши учун «ўз ҳиссаси»ни қўшмоқда.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бўлиб ўтган «Енгил саноат корхоналарида экология ва саломатлик муаммолари» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда юқорида тилга олинган «оғриқ»ларга малҳам изланди.

Бу тадбир Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарига бағишланди.

Конференция ташкилотчиларидан бири, «Экосан» халқаро жамғармаси президенти Юсуфжон Шодиметов асар ҳақидаги ўз таассуротларини сўзлаб берди. Украина Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Владимир Сметанин асарга баҳо бериб, унда бутун жаҳонга тааллуқли муаммолар кўтарилганлигини қайд этди.

«Ўзбекенгилсаноат» ассоциацияси раисининг муовини У. Акбаров «Енгил саноат корхоналарида экология ва саломатлик» мавзуида сўзлади.

Енгил саноатда асосан аёллар ишлайди. Уларнинг гарданидаги юмушларни енгиллаштириш йуллари изланяптими? Биз уларнинг саломатлиги ҳақида қайғуряпмизми? Конференцияда мана шу саволларга ҳам жавоб изланди. Ер устида, ер остида, сувда олиб борилаётган ядро синовлари ҳақида фикр билдирилди.

Сўнгра шўъбаларда машғулотлар давом этди. Институтнинг маънавият ва маърифат марказида ўтказилган ушбу конференцияда халқаро ташкилотлар, элчихоналар ва вазирликлар раҳбарлари, эколог олимлар, енгил саноат мутахассислари қатнашди.

РАҲМОН АЛИ

ХАЛҚ - ДАҲО МУАЛЛИМ

ёхуд халқ педагогикасида мақолларнинг ўрни хусусида

Бугунги истиқлол таълими тизимида Шарқ педагогикаси анъаналарига илмий амал қилинаётганлиги ўта қувонарли. Бу ҳол халқимиз маънавияти ва руҳияти ибтидосини сўзсиз ўзида ифода*этиб, буюк аждодларимизнинг жаҳон халқлари маданияти ривожига қўшган ҳиссаси нечоғли аҳамиятли эканлиги ҳақида ёшларимизда тасаввур пайдо этади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов буюк Шарқ маданияти ҳақида фикр билдириб шундай ёзган эди: «Биз Шарқ цивилизацияси ва маданиятига мансублигимиз билан фахрланамиз. Шарқ цивилизацияси ва маданияти эса доимо халқни бўлғуси ўзгаришларга маънавий ва руҳий жиҳатдан тайёрлашга интилиб келган». Ёш авлодни инсоният даҳолари бўлган буюк аждодларимиз мероси асосида тарбиялаш сўзсиз халқ педагогикасини кенгроқ ўрганиш ва уни амалдаги педагогик тажрибалар билан такомиллаштиришни тақозо этади.

Шуни айтишимиз керакки, халқ педагогикаси амалдаги илмий педагогикани инкор қилмайди. Аксинча, уни маълум маънода тўлдиради. Ва таълим-тарбия самарадорлигини оширади. Ўзбек халқ ижоди, хусусан, мақоллар халқ педагогикасининг туганмас манбаидир. Қуйида мақолларнинг халқ педагогикасида тутган муҳим ўрни хусусида фикр юритамиз.

Ҳа, оғзаки ижодиётнинг мустақил жанри бўлмиш мақоллар — халқ даҳолиги ва донолигининг ифодасидир. Бинобарин, мақоллар ижтимоий ҳаёт, турмуш донишмандлиги нуқтаи-назарини баён этиб, туркона одоб, ҳаё, иффат туйғуларини улуғлайди. Шунингдек, бу сермаъно туйғулар инсон маънавиятидаги мустаҳкам негизларини, хусусан, одам фаолияти, онгидаги сабр-бардош асосларини белгилаб, ҳаётий, чин инсоний мажбуриятларнинг барча томонларини ўзида ихчам шаклда акс эттиради. Туркий халқлар шаксиз жаҳонда энг кўп мақол ижод қилган халқлардан биридир. Овруполик таниқли шарқшунос олим Вамбери юртимизнинг қадимдан мақоллар ўлкаси бўлганлигидан хайратланиб эҳтиром билан шундай ёзган: «Ўрта Осиёда мақолларни ёзма тилда ҳам, жонли тилда ҳам учратишимиз, юрт казоларининг орасида ҳам, кўчманчининг ўтовида ҳам эшитиш мумкин. Саҳро ўғлони бундай оталар сўзини ҳамма вақт юзига жиддий тус киритган ҳолда тинглайди».

Мақоллар асрлар давомида инсониятнинг изчил ҳаётий кузатишлари туфайли юзага келган. Сўз дурдоналаридаги фикрий теранлик, пурмаънолик ва бадиий жозиба ақлий тафаккур тараққиёти билан боғлиқ ходиса. Мақолларнинг биз учун энг муҳим хусусиятларидан бири унинг таъсирчан муҳим тарбия воситаси эканлигидир.

IX асрда яшаб ўтган буюк бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарий «Девону луғатит турк» асарида мақоллардан ўзининг дидактик мақсадларини рўёбга чиқаришда моҳирона фойдаланган. Асарнинг муқаддимасида қуйидаги битиклар бор: «Мен бу китобни махсус алифбо тартибида ҳикматли сўзлар, сажлар, мақоллар, қўшиқлар ва наср намуналари бўлмиш адабий парчалар билан безадим».

Ҳа, ёзма, яъни маълум шахсларнинг хусусий қарашлари асосида махсус тарбия назариялари яратилгунга қадар, халқ оғзаки ижоди қадим замонлардан буён жаҳон халқларининг, шу жумладан, ўзбек халқ педагогикасининг ҳам ягона тарбия воситаси бўлиб келган ва у бизнинг замонамизда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Мақоллар ўқувчи нутқини ўстириш ва сўзга чечанлигини камол топтиришдан ташқари муҳим тарбиявий хусусият касб этганлиги учун ҳам таълим ва тарбия ишида ўрганилиши керак. Халқ оғзаки ижоди, хусусан, мақоллардан таркиб топган таълим ва тарбиявий қарашларни изчил илмий тадқиқ этмай туриб миллий педагогика тўғрисида гапиришнинг ўзи ортиқча.

Ўзбек педагогикаси бугунги кунда халқ оғзаки ижодидаги тарбиявий қарашларни ўрганиш юзасидан маълум тадқиқотларга эга. Фольклоршуносликда эса мақолларни тўплам ва унинг китоботи борасида кузлангандан ҳам зиёда ишлар қилинган. Бу борада фидойи олимлар Баҳодир Саримсоқов, Тўра Мирзаев раҳбарлигида яратилган «Ўзбек халқ мақоллари» тупламининг икки томлик академик нашрини алоҳида эътироф қилмоқ керак.

Яна бир қувончли ҳол. Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот олийгоҳининг етакчилигида халқ оғзаки ижодини илмий ўрганиш борасида кенг доирада тадқиқотлар олиб борилади. Қатор илмий ишлар ҳимоя қилинди. Лекин ўзбек халқ оғзаки ижодида тарбиявий йўналишлар юзасидан бир қатор ишлар қилинган, китоб ва мақоллар ёруғлик юзини кўрган бўлишига қарамай, халқ мақолларининг тарбиявий моҳияти кенг кўламда махсус ўрганилган эмас. Бизнингча, халқ мақолларини мазкур йўналишда изчил текшириш туркий халқлар оғзаки ижодидаги педагогик тарбиявий қарашларнинг илдизини очиб бериши ва илмий педагогикани қимматли манбалар билан янада бойитиши турган гап. Шунингдек, бундай изланишлар умумтаълим мактабларида ўтиладиган мақолларнинг таълим ва тарбияда тутган ўрни ҳамда уни амалга оширишнинг усул ва йўналишлари борасида дурустроқ иш қилиш учун ҳам имконият яратиши аниқ. Айни чоғда мақолларнинг дарсликлардаги ўрнини аниқлаб, уларни ўрганишда ҳукм юритаётган таълимнинг дидактик қоидаларига қатъий амал қилмаслик ҳоллари ҳар бир нарса устоз ҳақида сўйлаётгандек туюлди. Устознинг меҳр-муҳабатининг тафти мактабга сингиб қолгандек эди. Устозни топиб у билан суҳбатлашдим.

— Неча йиллар шу мактабда ишладим, лекин бирор марта мактабга бормай қолган куним бўлмаган — дейди устоз.— Яхши ишлаш учун бу асосий эмасдир балки. Лекин умримнинг энг яхши, серфайз дақиқалари мактабда кечди. Бирон марта бўлсин ўз ишимдан нолиган ёки болалардан тўйиб кетган пайтларим бўлганлигини эслай олмайман.

Устознинг бу гаплари жуда оддий. Лекин шу оддий гапларнинг ўзида ажиб бир сир яширингандек. Устоз билан мактаб ҳақида, комил инсон тарбияси хусусида, бугунги уқитувчининг маънавий қиёфаси ҳақида узоқ суҳбатлашдик.

— Менимча уқитувчи асл маъноси билан устоз бўлиши керак. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан ички бир маданият, маърифат нурлари таралиб турса, кўчада ҳам, уйда ҳам, тўйда ҳам устоз сифатида ўз қадрини баланд тутса. Уқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳам табиб, ҳам санъаткор, ҳам ҳуқуқшунос, ҳам психолог бўлиши лозим. Энг асосийси, унинг гўзал қалби бўлсин. Дарсхона — саҳна. Саҳнада иқтидорсиз бўлган санъаткорга нисбатан мухлислар қалбида ишончсизлик пайдо бўлади. Ўз қалбини илм ва тафаккур билан зийнатламаган уқитувчи бола қалбини ҳам безай олмайди.

Устознинг суҳбатини тинглар эканман, болалигимга қайтдим. Мен устознинг болаларга бўлган меҳр-муҳаббати ҳақида фикр юритдим, холос. Чунки мактаб ва маориф тизимидаги ҳар бир иш болаларни севишдан бошланади. Устоз ҳаётда инсон учун бахт саналган бир қанча нарсаларга эришган бўлса-да, унинг чинакам бахти болалар эканлигини ҳар доим таъкидлайди.

Юрагимга борар йўллар унда бино этилган қутлуғ дарсхона сари еталади. Бу дарсхона мен учун азиз. Унга ҳар гал кирганимда ақлу тафаккур эгаси бўлган устозларимнинг сабоқларидан баҳраманд бўламан. Сабоқ таҳсили ана шу дарсхонадан бошланади.

Гўзал МАТЁҚУБОВА
Қўшқўпир тумани

Dil izhori

ЮРАКДАГИ ДАРСХОНА

Уқитувчи ким? У қандай инсон? Нимага айрим уқитувчиларга нисбатан юрагимизда алоҳида жой бўшатамиз? Нега ҳар бир уқувчи ўз уқитувчисининг шахсий турмуши, ҳаёти, кўчадаги, мактабдаги фаолияти билан қизиқади? Яқин беш-олти йил ичида мактаб ва маориф тизими давлатимизга нима берди? Бугунги кун зиёлисининг маънавий-маърифий қарашида, маданий савиясида қандай ўзгаришлар юз бермоқда?

Хоразм вилояти, Қўшкўпир тумани, 35-сон ўрта мактабида 30 йилдан ошиғроқ директорлик қилган, фидойи уқитувчи, ардоқли устоз Қадам Абдуллаевнинг ҳаёт ва иш фаолияти мисолида ушбу саволларга жавоб изладик.

Болалик-фусункор давр. Уни алдаб бўлмайди. Унинг кўзларида ҳар доим Ҳақиқатнинг суврати акс этади. Шунинг учун ҳам боланинг кўзига қараб ёлғон гапирган одам довдираб қолади, қизариб кетади, юрагида нимадир узилгандай бўлади.

Бола эдик. Яшаётган ҳар бир кунимиз эртак, насиҳатини тинглаган одамларимиз кўзимизга авлиё бўлиб кўринарди. Ҳар бир нарсада фақат гўзаллик ва бекаму кўстлик кўрардик. Умримиз фақат гўзалликлардангина иборатдек эди. Ҳадемай мактаб ёшига етдик.

Бўйимиз ўсишини интиқиб кутганимиз каби синфдан-синфга кўчишни ҳам орзиқиб кутардик. Ҳар йили сентябр тонгида тонгнинг барватроқ отишини тилардик.

Ҳа, бу туйғулар ҳар йил такрорланарди. Мактаб асл маъноси билан биз учун бир сеҳрли дунё эди. Бу «дунё»мизда бизни мўъжизалар кутарди. Юрагимиздан жой олган муаллимларимизнинг дарсларини қувонч билан тинглардик, уларнинг дарслари бўлмаган кун мактаб зеркарли бўлиб қоларди. Якшанба кунлари тўхтаб қолгандек, ёзги таътиллар жуда-жуда узоқ чўзилгандек туюларди.

Бола қалбимизда даставвал мактаб директори, кейинчалик севимли тарих муаллими сифатида из қолдирган Қадам Абдуллаев ҳақидаги илиқ гапларни илк бор оила даврасида эшитганман.

Шу-шу бу инсон болалик хотираларимнинг энг самимий ва меҳр — муҳаббатга тўлуғ инсони бўлиб қолди. Биз учун Қадам Абдуллаев онадан уқитувчи бўлиб туғилгандек эди. Уни дарсдан сўнг маҳалла-куйда, тўй — томошада кўриб қолгудек бўлсак ҳижолатга тушардик, узимизни қўярга жой тополмасдик. Чунки у ҳамма жойда уқитувчи эди, устоз эди. Устознинг ҳар бир дарси биз учун янги тошлма эди, улар орқали замонни қайта кашф қилардик, тарих топардик.

Унинг дарслари бизни дунё билан боғловчи ипларни янада узайтириб юборгандек кўринарди. «Етти авлод-аждодини билмаган мусулмон мусулмон эмас», дея такрорларди устоз. Бу бизни нафақат ота-боболаримиз ўтмишини, балки бутун элимиз, юртимиз, киндик қонимиз томган тупроқ тарихини билишга ундар эди.

Мактаблар, мактаб раҳбарлари кўп. Лекин устоз Қадам Абдуллаев каби раҳбарлар бармоқ билан санарли. Оёғи ерга тегмай, икки қадам жойга ҳам машина елдириб юрадиган, қўл остидаги ходимлари билан ҳам кабинетдан бошқа ерда гаплашмайдиган, ўз мактабидаги уқувчиларни ҳам таниб улгурмайдиган раҳбарлар бор. Устоз эса бу жиҳатдан анча юксакларда яшайди. У ҳеч қачон мактабга уқувчи ёки уқитувчидан кейин кириб келмасди. Мактабда уқийдиган ҳар бир уқувчи назаридан четда қолмасди. Яхши уқийдиган уқувчими у, паст ўзлаштирадиганми ҳаммасининг бирдек уқиш шароити, тартиб-интизоми, оиладаги ва мактабдаги аҳволи билан алоҳида қизиқарди. Уларнинг ота-оналари билан қаерда учрашиб қолмасин илк суҳбат, ҳол-аҳвол сурашиш болалар ҳақида бўларди. Мактабини битирган уқувчилари бирор муваффақиятларни қўлга киритса, олий уқув юртларига кирса бадани чивин чаққандай ҳам бўлмайдиган муаллимлар, раҳбарлар озми? Устоз «муваффақият»ларни эмас, уқувчиларининг муваффақиятларини ёқтирарди, шулар билан фахрланарди, уларнинг ютуқларидан боши осмонга етарди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Унинчи синфда уқирдик. Куз бўйи уқувчилар қишлоқ хўжалик ишлари билан ўралашиб қолиб, анча дарслар қолиб кетарди. Шу боис қиш келиши билан дарслар кўпаяр, мактаб, туман, вилоят олимпиадаларига тайёргарлик қизиб кетарди. Мактабимиздаги бир неча уқувчи қатори мен ҳам туман олимпиадасида биринчи ўринни олиб, вилоят олимпиадасида қатнашишим керак эди. Кечаси билан уқиганман ва саҳарга яқин кўзим илинибди. Эшикнинг бир маромда чертилишидан уйғондим. Эшикни очсам, остонада мактабимиз директори Қадам Абдуллаев...

Олимпиадага ухлаб қолмасин дея мени уйғотишга келган экан. Устоз ҳақидаги ушбу хотираларни ҳар доим илиқ бир меҳр билан эслайман. Табиатан серфикрлилик, серҳаракатлик, очиққўнгиллик, одамохунлик, хоҳ маънавий, хоҳ жисмоний меҳнат билан бўлсин тиниб-тинчимаслик устознинг асосий фазилатлари эди.

Қўпинча биз инсон умри ҳақида гапирганда қўша-қўша унвонларни меҳнат самараси деб биламиз. Лекин орамизда чумолидай индамайгина меҳнат қилаётган, ўз касбига шу туфайлигина қўру қуват бахш этаётган инсонлар борлигини баъзан унутиб қўямиз. Айниқса, уқитувчи фаолиятига эътиборни қаратганда уни дарсларга ўз вақтида кириб чиққани, ишлаш қонун — қоидаларига пухта жавоб бериши билан чекланамиз, холос. Уқитувчининг болаларга ва уқувчиларнинг муаллимига бўлган меҳр-муҳаббати билан қизиқмаймиз ҳам.

Мактабни битирдим. Олий уқув юртига кириб таҳсилни давом эттирдим. Таниқли профессору фан докторлари маърузалар уқишди, лекин барибир устознинг дарсларини соғинавердим.

Яқинда қишлоққа бордим. Устоз олтмиш ёшга тўлибди. Пенсияга кузатишибди. Мактаб ҳувиллаб қолгандек, унда-

O'zbekiston — Misr

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

«Маърифат» ўзининг муштарийларига берган ваъдаси — хориж таълим тизими, Ўзбекистондаги чет эл маърифий ва маданият марказлари фаолиятини ўз саҳифаларида кенг ёритиб, уларни хабардор этишда давом этяпти. Бу галги Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси фан-таълим маркази раиси доктор Одил Шиха билан мухбиримизнинг мусоҳабаси ҳам икки мамлакат ўртасидаги маданий-маърифий алоқлар ва Миср Араб Республикаси таълим тизими борасида бўлди.

— Муҳтарам раис жаноблари, суҳбатимиз аввалида марказ фаолияти хусусида сўзлаб берсангиз?

— Фикримча, давлатлараро бўладиган алоқаларда маданий алоқаларнинг иқтисодий алоқалардан қолишадиган жиҳати йўқ. Аксинча, ҳар қандай давлатлараро алоқалар негизида аввало маданий алоқалар муҳим аҳамиятга эга.

Марказда араб тилини ўқитиш курсларини ташкил этганмиз. Бу курсларда ҳозирги кунда гуруҳларга бўлинган ҳолда турли ёшлардаги жами 1100 талаба араб тили асосларидан сабоқ олмоқда. Мамнуният билан шуни айтардимки, ўзбек ёшлари орасида истеъдодлилари жуда кўп. Ҳар йили марказимиз ана шундай ёшлардан бир нечтасини Мисрдаги Коҳира, Энчалик университетларига ўқишга юбормоқда.

Марказ қошида Миср маданияти, иқтисоди, фани ва сиёсати ҳақида ҳикоя қилувчи 1000 дан ортиқ китобга эга бўлган кутубхона ташкил этганмиз.

— Миср таълим тизими ҳақида ҳам билишни хоҳлар эдик.

— Мисрда таълим тизимининг ўзига хос томонлари бор. Яхши биласиз, бизда мусулмон аёлларининг аксарияти уй бекалари бўлганлиги важидан боғчаларга камроқ эҳтиёж сезилади. 1—6 синфлар бошланғич таълим, 7—9 синфлар ўрта ҳисобланиб, ўқувчи бу босқичдан сўнг қобилиятига қараб 10—11 синфларга танлаб олинади.

Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари тест асосида бўлади. Бу тизим мамлакатимизда Президенти Жамол Абдул Носир даврларида жорий қилинган эди. Тест имтиҳонлари шу қадр адолат тамойилига асосланганки, ҳатто ўша пайтларда Президент Жамол Абдул Носирнинг қизлари тестдан ўтолмасдан олийгоҳга ўқишга киролмаган. Кейинчалик яхши тайёрланиб, бошқа бир хусусий университетга ўқишга кирганди.

Вазирликларга қарашли бўлган университетларда ўқиш текин. Хусусий олий ўқув юртлари ҳам мавжуд. Олийгоҳ талабаси жаҳон андозалари асосида аввал 4 йиллик бакалавр, сўнг 2 йил магистр, 3 йил аспирантурада ўқиб, сўнгра номзодлик, ундан кейин эса докторлик илмий ишларини ёқлайди.

— Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси фан ва таълим маркази, табиийки, иккала давлатлар ўртасидаги маданий маърифий алоқаларни мувофиқлаштириб туради. Шу маънода айтингчи, сўнгги вақтларда бу борадаги ҳамкорликлар асосан нималардан иборат бўлмоқда?

— Ҳақиқатан ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро маданий — маърифий алоқалар ўрнатишда марказимизнинг ўзига хос ўрни борлигидан хурсандман. Энди далилларга мурожаат этсак, яқинда юртингиздаги Ҳамза театрининг бир гуруҳ ижодий ходимлари ўзларининг «Чимилдиқ» спектакллари билан Коҳирада ўн кун бўлиб қайтди. Бундан ташқари «Анор» ансамбли Мисрда бўлиб ўтган халқаро мусиқа фестивалида биринчи марта 47 мамлакат мусиқачилари билан иштирок этди ва Миср маданият вазири томонидан эндиликда фестивалга ҳар йили келишга таклиф этилди.

Ўз навбатида Самарқандда юксак даражада ўтказилган «Шарқ тароналари» қўшиқлар фестивалида мисрлик мусиқа усталари фаол қатнашдилар. Ўзбекистонлик бир гуруҳ иқтидорли талабалар дунёдаги энг обрўли Ал-Иззҳар университетида таълим оляптилар. Яқинда Ўзбекистондан бир неча талаба ўқишини аспирантурада давом эттириш учун Мисрга жўнаб кетди.

Мисрнинг Камол Танти университетидан яқинда доктор Муҳаммад раҳбарлигидаги 21 нафар ёшлар делегацияси юртингизда бўлиб қайтишди.

Ўзаро ҳамкорликдаги бу каби мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Аммо яна бир мисолни айтмасдан иложимиз йўқ. Октябр ойидан Тошкентдаги Шарқшунослик институтига, Жаҳон тиллари университетига, шунингдек, Бухоро, Наманган, Самарқанд университетларига Мисрдан бир гуруҳ таниқли олимлар ташриф буюришди. Улар олийгоҳларда талабаларга араб тилидан сабоқ беришади. Ўйлайманки, бу борадаги ҳамкорликларимиз ўз истиқболига эга.

— «Маърифат» ўқувчиларига истакларингиз?

— Инсоннинг маънавий баркамоллиги жамиятда тинчлик, осойишталик ҳукм суришига олиб келади. Жамиятдаги тинчликнинг барқарорлиги эса уни иқтисодий ривожланишига, тараққиётига сабаб бўлади. Шу маънода «Маърифат» муштарийларига тилагим — юртингиз келажаги бўлган ёшларга илм-маърифат бериш йўлида асло ҳориманг. Сиҳат-саломатлик, кўнгил хотиржамлиги сизларга ёр бўлсин!

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

ТошДУ ХАБАРЛАРИ
Вестник ТашГУ
ACTA TashSU
1 1997

Yangi jurnal

«ТошДУ ХАБАРЛАРИ»

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетида «ТошДУ хабарлари» номли янги илмий журналнинг 1-сони босмадан чиқди. У университет олимларининг докторант ва аспирантларининг фан соҳасидаги илмий изланиш ва янгиликларини эълон қилиб боришга мўлжалланган.

«ТошДУ ХАБАРЛАРИ» илмий журналининг илк сони университет ректори, академик Тўрабек Долимовнинг «Истиқлол шарофати» номли бош мақоласи билан очилади. Журнал саҳифаларида тарих илмига оид таниқли олимлар А.Абдулазизов ва Х. Ғуломовларнинг «Амир Темур шарқ ва ғарб назарида» мақоласи, профессор Бегали Қосимовнинг «Мустақиллик ва маънавият» мақоласи илмий мушоҳадаларга бойлиги билан журналхон эътиборини тортади.

Шунингдек, журналдан «Иқтисод» илмига оид А. Ваҳобовнинг, профессор Г. Худойбергановнинг амалий математикага тааллуқли ҳамда М. Раҳимовнинг биотехнологияга боғлиқ, У. Мирзаевнинг кимё фанидаги янгилик ҳақидаги, А.Мамадолимов ва Ш.Ўтамуродовнинг физика фанига оид илмий мақолалари ўрин олган.

«ТошДУ ХАБАРЛАРИ» бир йилда тўрт марта чиқади. Журналнинг республикамизда чоп этилаётган илмий журналлар сафидан ўрин олишига тилакдошмиз. Бир истак: журналнинг кейинги сонларида давлат тилида илмий мақолалар кенгроқ бериб борилса, табиийки, ҳар бир соҳа бўйича ўзбек тилининг бойиб боришига улкан ҳисса қўшган бўларди.

МУХБИРИМИЗ

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Хитой ҳукумати АҚШга нисбатан қаттиқ огоҳлантириш билан чиққан. Унда айтилишича, АҚШ Пекинга қарши компанияда мухожиратдаги дисидент Вей Жинг Шей шахсидан фойдаланмоқда. Огоҳ Америка ҳукумати халқаро радиостанцияси орқали жаноб Вей билан интервью берилганидан сўнг қилинган. Ўз навбатида «Хумон рай воч» (халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти) АҚШ ҳукуматини интервьюни эфирга чиқишида танқид қилган.

***

Россия Президенти Борис Ельцин касалхонада бир хафтадан кўпроқ вақт ўтказганидан сўнг эртага ишга қайтиши ҳақида айтилган. Бу ҳақда Ельцин Москва яқинидаги санаторийда журналистларга айтган. Унинг айтишича, у шамоллаган эди ва ҳеч ким унинг аҳволини ёмонлашишини истамаган. Ельцин шунингдек, унинг касалхонага ётиши ўтган йили бошидан кечирган юрак амалиёти натижаси туфайли эканлиги ҳақидаги миш-мишларни рад этган.

«Би-би-си» (Лондон)

***

Туркия Бош вазири Маъсуд Йилмаз Туркия келаси йил июнь ойида Европа иттифоқига аъзо бўладиган мамлакатлар рўйхатига киритилмаган тақдирда озодлик учун мурожаатини қабул қилишини таъкидлаган.

***

АҚШ давлат секретари Олбрайт Яқин Шарқ тинчлик процессини ривожлантириш ташаббуси бўйича Парижда Исроил Бош вазири Нетаняьху билан учрашган. Олбрайт хоним Фаластин раҳбари Арофат билан кўришиш ниятида Лондонга борган.

«Америка овози» (Вашингтон)

«ҚОМУСИ УСМОНИЙ» ИБРАТИ

Узбекистоннинг мустақилликка эришганидан кейинги ўтиш даври муаммолари зиёлилар зиммасига катта масъулиятни юкламоқда. Яқинда Президент Ислом Каримовнинг Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни замон талаби даражасига кўтариш борасида сўзлаган нутқида бу масъул вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, халқ таълими тубдан ислоҳ қилинмас экан, таълим-тарбия тизимини тўғри ўзанга солиб бўлмайди. Шунга кўра Олий Мажлис сессиясида она тилини мукаммал ўзлаштириш, ўрганиш борасида фикр билдирилди. Бунинг учун эса эҳтиёждан келиб чиқиб тарихийлик йўналишида маълум мақсадларга қаратилган янги луғатлар тузиш зарур. Шу кунгача бу борада қилинган ишларнинг самарасига бир назар ташлайлик. Агар ҳозирда таълим олаётган баъзи мактаб ўқувчи ва талабаларининг она тилидан билими, оғзаки ва ёзма нутқи ҳамда сўз бойликларини текшириб кўрсак, бир қадар оқсоқлик борлиги яққол сезилади. Қолаверса, турли соҳа мутахассислари, айрим ўқимишли кишилар нутқида ҳам ўз соҳасига оид атамаларни билмасликдек тил иллатлари давом этмоқда. Шу ўринда Президент И. Каримовнинг: «Аммо шунга алоҳида ургу беришимиз зарурки, чет тилларини ўрганиш минбаъд она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим», деган фикри ёдга келади.

Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, олий ўқув юртларига кирган талабаларда ҳам бу камчилик сезилиб турибди. Бироқ бунга ўқувчи ёшлар ёки талабаларгина айбдор эмас, гап мавжуд айрим дарсликлар, қўлланмалар ҳамда луғатларнинг талабга жавоб бермаётганидадир. Баъзи қўлланмалар эскирган бўлса, айрим қомус ва адабиётларда илмийлик кучли. Эндиликда бу илмий адабиётлардан оқилона фойдаланиб, уларни соддалаштириб, дарсликлар ва қўлланмалар яратиш зарур. Шу ўринда Президентимизнинг «Олимлар орасида дарслик ёзишга пастроқ бир илмий иш сифатида қараш иллати бор», деган фикрлари бу ишларга улкан масъулият билан ёндашиш кераклигини кўрсатади. Хуллас, ҳозирги кунда ўқувчиларда она тили сўз бойликларини ошириш таълим-тарбия тизимининг етакчи вазифаларидандир. Бунинг учун биринчи галда ўтмишда яратилган қомусларнинг тузилиши, услубини чуқур ўрганиб, луғатлар тузиш мақсадга мувофиқдир. Ўтмишда яратилган «Девони луғатит турк», «Ат-туфҳату-закияту фил луғотит Туркия», «Бадоеул луғат», «Муҳокаматул луғатайн», «Абушқа», «Санглоҳ», «Мунтаҳабул луғот», «Келурнома», «Луғати Неъматуллоҳ», «Китоби луғати атрокия», «Фарҳанги ҳазрати мир Алишер муллақабба ал Навоий» каби қомуслар шулар жумласидандир. Собиқ Иттифоқ даврида ана шу анъанавий усулларни (луғатлар яратиш) бизда қўллаш имкони бўлмаса-да, Туркияда бу анъаналар давом этди. Улар қадимда яратилган қомусчилик тажрибаларидан келиб чиқиб, ўқувчилар учун содда, безакли луғатлар яратишди. Жумладан, «Қомуси Усмоний» асримизнинг бошларида яратилган миллий луғатлар сирасига киради. Қомус тузилиши, сўзликларнинг берилиши тартибига кўра содда ва ўзига хос бўлиб, ҳозирги замон илм-фани талабларига тўла жавоб беради. «Қомуси Усмоний» ҳажман йирик луғат (тахминан 1000 бетдан ортиқ), методик жиҳатдан ўқувчи, талаба ва китобхонларнинг сўз бойлигини оширишга мўлжалланган. Миллий луғатлар яратишда «Қомуси Усмоний»дан фойдаланиш яхши самара беради, албатта. Мазкур қомус турли соҳа мутахассислари, жумладан, миллий армия аскарларининг сўз бойликларини оширишда ҳам қўл келади. Чунки унда ҳарбий атамаларнинг ҳар бирига расмлар орқали шарҳлар берилган. Шунингдек, шарҳлар ўзбек-лотин ёзувини ўрганишда, бу билан боғлиқ баъзи муаммоли масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга ҳам эга.

Қомус талабаларни қадимда яратилган маданий ёдгорликлардан, хусусан, араб алифбоси сир-асрорларидан воқиф этишда, шунингдек, уларни ҳаттотлик санъатидан баҳраманд этишда ҳам муҳим омил бўла олади. Чунки китобда араб алифбосидаги ҳар бир ҳарфнинг 12 хат турида қандай ёзилиши муфассал берилган. Ушбу қомуснинг бошқа луғатлардан фарқли хусусияти шундаки, унда сўз тузилиши ҳаракатлар (деакритик белгилар) ва фонетик терминлар орқали берилган.

Маълумки имло, тўғри талаффуз ва тўғри ёзиш қоидалари, ҳусниҳат турлари ҳақида тилшунос-луғатшунос олимлар дарсликлардан ташқари, ўз даврида мукаммал рисола ва луғатлар яратиб қолдирганлар. Хусусан, Туркияда 1912-1913 йилларда нашр этилган «Қомуси Усмоний»нинг бошқа муътабар қомуслардан фарқли томони яна шундаки, бу луғат алифбо тартиби асосида бўлиб, бош сўз мақола ҳарфнинг ўзидан бошланади. Луғатда «алиф»нинг ўн икки хил ёзилиши ҳақида маълумот берилади. Шу тариқа китобда мавжуд 32 ҳарфнинг ҳар бири кенг изоҳланади. Хуснихат ёзув турлари асосида кўрсатилади. Қомусда алифбодан кейин ҳаракатлар, яъни сатр усти, сатр ости ва воситачи ҳарфларнинг ҳар бири алоҳида изоҳлаб тушунтирилади. Бу каби қомуслар ўқувчи ёшлар, талабаларнинг сўз бойликларини оширишда яқиндан ёрдам беришига шубҳа йўқ. Келажакда олим, мутахассислар мана шу мақсадларга қаратилган расмли луғатларни тузишлари халқимизнинг саводхонлик даражасини кўтаришга катта ёрдам беради, деган умиддамиз.

Зиёдулла ҲАМИДОВ,
Ангрен давлат педагогика институти филология факултети декани,
доцент, филология фанлари номзоди,
Манзар АБДУЛХАЙРОВ,
филология фанлари номзоди

Ta'lim fidoyilari

УСТОЗЛИК БАХТИ

Муаллим — нақадар буюк зот, норасиданинг қўлига илк бор қалам тутқазиб, уни катта ҳаёт йўлига бошлагувчи инсон. Нафақат билим, балки боланинг мурғак кўнглида Ватан, она юртга меҳр уйғотади, унга таълим-тарбия бериб, соғлиғини тиклаш, соғ юриш сирларини ўргатиш билан бирга келажакда ўз ўрнини эгаллаш учун унга касб-ҳунар ва ҳаётга йўналиш кўрсатади. Уларнинг бағри дарёдек кенг, кўнгли сувдек тиниқ, осмондек мусаффодир. Мураббий устоз Жўрақул ака Тешаев ҳам ана шундай инсонлардан биридир.

Жўрақул ака Тешаев Ғиждувон туманидаги «Боғчағози» қишлоғида таваллуд топди. Отаси Теша Шарипов гўдакни 40 кунлигидаёқ ташлаб ҳарбий хизматга кетди. Отасини соғиниб кутиб юрган кезларида уруш бошланди. 1943 йилда эса у етим қолди. Ҳа, Жўрақул ака 40 кунлик ота меҳрини кўрди, холос.

Уруш вақти ва урушдан кейинги йилларда халқимиз оғир кунларни бошдан кечирди. Ёш Жўрақул ҳар куни мактабга қатнаб, мактабдан кейин колхозга ишга чиқиб, от билан ер ҳайдар, сув қуяр ва бошқа ишларни қиларди. Худди шундай оғир кунларда у, ўрта мактабни фақат «аъло» баҳоларга битирди. Бир йил ўзи ўқиган мактабда вожатий бўлиб ишлади. Ўша пайтда мактаб директори бўлган раҳматли Олим ака Нуриллаев шогирдининг билимга чанқоқлиги, тарбиячилик маҳоратини кўриб, унга ўқишга боришни таклиф қилди. Олим ака тўғри йўр кўрсатган эди. Жўрақул ака, у киши айтганчалик, Бухоро давлат педагогика институтининг математика ва чизмачилик факультетига ўқишга кириб, ўқитувчи дипломини олди. Шундан сўнг Ғиждувондаги Ҳамид Олимжон номли ўрта мактабда шогирдларига математика, арифметика, алгебра, геометрия ва чизмачилик фанларидан сабоқ бера бошлади. У ўз фанини яхши билар, касбини қадрлаб, бутун билим ва ғайрати билан тиришиб меҳнат қиларди. Тез орада мактабда номи танилиб қолди.

Жўрақул ака кенг феъллик билан ҳар бир шогирдига эътибор берарди. Улардаги биронбир муаммони кўрса, дарҳол ижобий ечиб берар, шогирдларининг ота-оналари билан тез-тез мулоқотда бўлиб турар эди.

Жўрақул ака ҳамма вақт шогирдларига «Математика ақлни пешлайди», «Математика — фанларнинг онасидир» деган ибораларни айтиб, қизиқарли математика сирларини ўргатар, математик кечалар уюштирарди. Мактаб ўқувчилари учун математика дарси ҳар куни яхши кайфият билан кутиб олинадиган дарсга айланди.

Жўрақул ака минглаб шогирдлар чиқарди. Шогирдлари бирин-кетин мактабни битириб, олий ўқув юртларига ўқишга кириб, ҳаётда ўз ўрнини топа бошлади. Буни кўриб кўзи қувонган Жўрақул ака ўз устида янада қаттиқроқ меҳнат қилди. Бу орада биринчи бор математикадан дарс бериш хусусида услубий қўлланмаси нашрдан чиқди. Сўнгра шунга ўхшаш ўнлаб қўлланмалар у киши муаллифлигида нашр этилди. Бу меҳнатлари учун унга «катта ўқитувчи» унвонини беришди. Жўрақул ака билимдон устоз бўлиши билан бирга жамоатчилик ишларига ҳам фаол қатнашиб келди. Мактабнинг янги биносининг тикланишига, уни газлаштириш ишларида, кўкламзорлаштиришда ўз шогирдлари билан фаол қатнашди. Кейинчалик жонажон қишлоғининг йўлини асфальтлаштиришда, газлаштиришда қишлоқ фаоллари билан ёнма-ён турди.

Жўрақул акага «Бахт деганда нимани тушунасиз?» дея савол берганимизда, у киши: «Бахт, аввало, устоз муаллим учун шогирдларининг ҳаётда ўз ўрнини ва халқ хўжалигида қилаётган меҳнатларини кўриш», деб жавоб қайтарди. Ҳозирда Жўрақул аканинг минглаб шогирдлари халқ хўжалигининг барча соҳаларида ишламоқда. Демак, у киши ўз тушунчасидаги бахтга эришди, дейиш мумкин.

Жўрақул ака ўз билимига, меҳнатига таянар эди. 1970 йилларда уни Тошкентта, педагогика институтида дарс беришга таклиф қилишади. Аммо Жўрақул ака қишлоғини, жонажон мактабини ташлаб кетишга кўнгли бўлмай, рад жавобини беради.

Лекин ўша кунларда унинг кўнглида «билимим, илмий иш қилишга куч-қудратим бор экан, илмий иш қилишим керак», деган фикр ҳам йўқ эмас эди. Аммо биз ҳаётнинг эмас, ҳаёт бизнинг йўлимизни белгилайди экан: 1973 йил Жўрақул ака авариядa учраб, қаттиқ мия жароҳатини олади. Шундай бўлса-да, орадан анча вақт ўтиб, у яна ўз севимли ишини давом эттиради. Жўрақул аканинг бу қийинчилик кунлари ҳам ўтди. Фарзандлари бирин-кетин ўрта мактабни битириб, катта ҳаётга қадам қўя бошлашди. Жўрақул ака эса ҳамон мактабда мураббий устоз. Вилоятда танилиб, кучли математика ўқитувчиси деган номни олган Жўрақул ака энди йилига бир марта Бухоро педагогика институти ҳузурида математика ўқитувчиларнинг малакасини ошириш бир ойлик курсида дарс бера бошлади. Ўз ҳамкасблари билан фикрлашиб, математика фанининг сирларини ўргатди.

Янги фан — «ЭҲМ» дарслигини ҳам ўзлаштириб, тез орада ўқувчиларига замонавий компьютер сирларини ўргата бошлади. Энди Жўрақул ака математик бўлиши билан бирга информатик ҳам.

Оилангиз, фарзандларингиз ҳақида ҳам гапириб беринг, деганимизда, Жўрақул ака фахр билан шундай дедилар: «Худога минг шукрлар бўлсинким, 10 та фарзандим бор. 6 ўғил ва 4 қиз. Фарзандларимдан 4 ўғил ва 3 қизни уй-жойли қилганман. Ўғилларим ҳар хил касб эгаси, каттаси Ватан пос-

А. ОМОНОВ



Bolalar bog'chalarida

«ҚАЛДИРҒОЧ» ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 479-«Қалдирғоч» болалар боғчасида кичкинтойларнинг ҳар томонлама камол топишига алоҳида аҳамият берилаётир. Мурғак қалбларга санъат турлари ҳамда жисмоний тарбия, компьютер техникаси ҳақида илк тушунчалар сингдирилмоқда. Қобилиятли, ёш мусиқа раҳбари Маҳфуза Абдураҳмонова ташкил қилган «Қалдирғоч» ансамбли аъзолари кўпгина тантаналарда иштирок этишиб, тенгдошларини хушнуд қиляптилар.

Мухтарам Собирова Низомий номидаги педагогика институтининг мусиқа факультетини битириб, «Қалдирғоч» болалар боғчасида хизмат қилаётганига ҳам ўн уч йил бўлди. У болаларга қўшиқ айтишнинг ўзига хос сирларини ўргатаётир. Турли мавзуларда ўтказиладиган байрам эрталикларидаги ҳозирлик кўришда миллий қўшиқларга алоҳида эътиборни қаратади.

Ҳунар — зар, дейди доно халқимиз. Кичкинтойлар масканида ҳунар ўргатиш ҳам яхши йўлга қўйилмоқда. Жажжи қизалоқларга игна ушлаш, мураккаб бўлмаган кашта тикиш ўргатиляпти. Тажрибали мураббий Маҳбуба Ширинбоева қизларга кашта тикишнинг нозик сирларини ўргатаётир.

Суратларда: «Қалдирғоч» болалар боғчаси ҳаётидан лавҳалар.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар

Tantana

ҚАДРДОНИМ — МАКТАБИМ

Ўша куни пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган Муқимий номли 154-мактаб остонасига нафақат ўқувчи ва муаллимлар, балки мактабни битириб кетган турли касб эгалари — собиқ ўқувчилар, қарилик ғаштини сураётган кекса педагоглар ҳам юзлари ва кўзларида севинч балқиган ҳолда қадам қўйдилар. Кўпчиликнинг дилларидаги қувончлари қўлларида кўтариб олган гулдастасига ҳамоҳанг эди. Чунки улар учун қадрдон бўлган, илк сабоқ олган гўшалари — мактаб ушбу куни ўзининг 30 йиллик тўйини нишонлади.

Бу кун ўша дунёнинг шодлиги худди шу масканга йиғилди. Ўқувчилар ўз муаллимларини, муаллимлар эса устоз ва собиқ ўқувчиларини, хуллас, ҳамма бир-бирини самимий табриклади.

Тантанали йиғилишда иштирок этган фахрийлардан Нури Азимова, Жўра Ортиқовлар сўзлаганда мактаб зали қарсаклар билан тўлиб кетди. Бу педагоглар мактаб очилган илк кунларидан бошлаб ушинг равнақига ҳисса қўшган, бугунги кунда улар сабоқ берган ўқувчилар эса мустақил республикамиз равнақи йўлида меҳнат қилишмоқда. Қадрдонлар бир-бирларини ажиб бир энтикиш, меҳр билан қутланди, ўтган йиллар давомидаги яхши дамлар эсга олинди.

— Ўғилларим, қизларим, — деди мактабнинг илк ўқитувчиларидан бири, ҳозирда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Турсун Рашидов. — Албатта, бирор касбни мукаммал эгаллашга интилинг, бунинг учун эса устозлар ўтитига қулоқ тутиб, зеҳн билан ўқинг! Яхши ўқисангиз, ўз йўлингизни тошиб оласиз.

Мактабда бугунги кунда 918 нафар ўқувчига 70 га яқин ўқитувчи сабоқ бермоқда. Ўқувчилар цухта билим олиш билан бирга спорт, мусиқа, дурадгорлик тўгаракларида фаол иштирок этишади. Улар туман, шаҳар ҳамда республика олимпиадаларида кўпгина фахрли ўринларни олишга муваффақ бўлишмоқда.

— Туманимиздаги 18 та мактаб орасида 154-мактаб ёш авлодга таълим-тарбия беришда ўзига хос мавқега эга, — деди туман халқ таълими бўлими мудири Абдулазиз Абдурасулов. — Чунки бу мактаб маҳалла ва ота-оналар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган.

Шодиёнага йиғилганлар мактабнинг сўлим ҳовлисида тўкин дастурхон атрофида хурсандчилик қилишди. Айниқса, мактабнинг собиқ ўқувчилари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Холмедов, ҳаваскор Қодиржон Ҳабибовларнинг ичакузди ҳангома ва дилрабо қўшиқлари барчанинг дилига завқ-шавқ бағишлади.

Шарифа ИЛЁСОВА

Afsus

СУД ЗАЛИДАГИ ЎЙЛАРИМ

Халқ суди маслаҳатчиси сифатида икки делодаги тақдирларни қиёслайман. Бири тўқсон ёшдан ошиб қолган Нурқул бобо неварасидан ўзи ҳадя этган уй-жойини тортиб олмоқчи, иккинчисида эса етмиш ёшдан ошган Ҳасан бобо ўз ўғлига тақдим қилган уйини бошқа фарзандига олиб бермоқчи. Делодаги ҳужжатларни ўқийман... Ғаройиб ҳол. Икки томон ҳам қонуний, расмий қоғозларни истаганча топишган. Қонун йўли билан иш кўрганда икки қария ҳам ҳақ бўлиб чиқишлари турган гап. Бироқ уларнинг ўз зурриёдларидан қилаётган талаблари ҳеч бир қолипга сиғмайди. Уларнинг ҳужжатларини титкилаганим сари отамнинг сўзларини қайта-қайта эслайман.

Анча йиллар илгари, отамнинг биринчи гуруҳ уруш ногирони бўлганлиги учун машина олишларига ундаган эдик. Бироқ отам рози бўлмаган. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, сабабини сўраганимизда: «Машинани битта берармикан ёки саккизтами?» деб сўрадилар. Биз бир овоздан «битта» деб жавоб қайтардик. «Унда битта машинани саккизга бўлиб беролмайман». Ўшанда қанчалар хафа бўлганмиз. Бироқ; бугунги уй-жой машмашалари билан юрган ота-болаларнинг делолари билан танишиб, ўша вақтда отам узоқни кўзлаганини пайқаб турибман. Агар падаримиз машина олиб, биримизга ҳадя этганларида, иш жанжалга бориб тақалмасада, биротамизнинг кўнглимиз ўксиши тайин эди.

Тўғри, Нурқул бобога ҳам бу ер ота-бобосидан қолган мерос. Шу жойда фарзандлари вояга етди, ўғли жиноят қилиб қамалиб кетди. Қария боши билан набираларини тарбиялади, отаси йўқлигини билдирмай, суннат тўйлари қилди, уйлантирди. Ҳар қалай невараси бобоси юзини ерга қаратмади, топарман-тутармон бўлиб вояга етди. Нурқул бобонинг ҳам армонлари ушалди, отасидан қолган эски ҳовлини неварасига ҳадя қилди. Невара эплигина экан, чордеворни қасрга айлантирди. Бобою неварага ҳамманинг ҳаваси келарди. Дабдурустдан қамоқдан қайтган ўғилнинг қасрда яшагиси келиб қолди. Қариядан ўз ҳақини талаб қила бошлади. Қария балки қўрқанидан ёки фарзандига меҳри тобланганиданми ўша уй-жойни умрида лой чангалламаган, иморат қуриш заҳматларини тотмаган ўғлига бергиси келгандир? Мен масаланинг қандай ҳал қилинганини таҳлил этмоқчи эмасман. Икки ҳолда ҳам лозим топилган чораларни қонуний ижросини таъминлайдилар. Мен бу ҳолатларнинг маънавий томонини ўйлаганимда, даҳшатга тушаман. Тўғри, юртимиздан ўмариб кетилган олтинлар, тарихий буюмларнинг сони, қиймати аниқланар, аммо миллатимиз маънавиятига етказилган зарар, йўқотишларнинг ўлчови бормикан? Бизнинг миллатимиз қачон, қай замонда ота-боласини, бобо неварасини қозига судраган? Бу нарса ҳатто етти ухлаб тушларига кирмаган. Ушбу воқеа маънавий дунёмизнинг қирғоқлари кўриниб қолганидан далолат эмасми? Энди қашшоқликнинг ўрнини ким, нима билан тўлдиради? Можароларга гувоҳ бўлган ёшлар руҳиятида бу каби иллатларнинг урчиб кетмаслигига ким кафолат беради? Уларни кўриб турган гўдаклар ота-боболарининг нимаси билан фахрланадилар ёки эргашадилар?.. Хаёлимда минг бир саволлар ғужғон ўйнайди. Бу саволларга етмиш йиллик маънавий қадриятларимиз топталган йиллардан жавоб излаш жоиз деб ўйлайман. Шарқда ота ўтирган уйнинг томига чиқиш одобсизлик саналган. Эътиқодсизлик ота-онасини қариялар даргоҳларига элтиб ташлаш даражасига етказди. Болалар энди кимдан ибрат олсинлар? Тўқсону етмишдаги қария ўз зурриётини қозига олиб боргач, юздаги иймон нурлари, кўнглидаги ҳурмат, меҳр ҳақорат тошларига айланмасми? Бу тошларнинг зарби, жароҳатлари қачон тузалгай? Саволларимга соқоллари кўксини қоплаган қариялар нигоҳларидан жавоб излайман. Улар ҳамон сўзларидан тонмаслар. Юртимиз бу каби мажруҳлар, иймони суст кетганларни қайта тарбияламас экан, нурли кунларга хиралик энмаслигига ким кафолат беради. Бундай воқеаларга дуч келганимда нажотни маънавиятдан, маърифатдан излаш керак деган фикрга келдим. Шундай эмасми, қадрли устозлар?

Шарофат АШУРОВА

МАШКУРА ОПАНИНГ НИЯТИ

Машкура Ҳожиддинова Тошкент қишлоқ хўжалиги (ҳозирги Тошкент аграр университети) олийгоҳини «аъло» баҳоларда якунлар экан, устозлари уни шу ерда ишлашга таклиф этишди. У киши 17 йил мобайнида қишлоқ хўжалиги олийгоҳининг ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедрасида ёрдамчи бўлиб ишладилар.

1991 йилдан Машкура опани Тошкент қурилиш-коммунал коллежида химия фанидан дарс беришга таклиф этишди. Шу йилдан эътиборан у киши коллеж химия лабораториясида кабинет бошлиғи ва 1-тоифали химия фани ўқитувчиси сифатида талабаларга сабоқ бериб келмоқдалар.

Машкура опа фақатгина ўқув жараёнида эмас, балки жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этиб келадилар. У киши коллеж маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи сифатида ҳамкасблари билан биргаликда ўқув юртида қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Бу ерда ҳафтанинг биринчи куни, биринчи соати очиқ тарбиявий дарслар билан бошланади. Коллежда ёшларнинг бир хил кийимда юришлари қатъий тартиб қилиб белгиланган. Эл суйган ёзувчи ва шоирлар, санъат аҳиллари билан тез-тез уюштирилаётган учрашувлар ёшлар маънавий дунёсини бойитишда салмоқли ҳисса қўшиши аниқ.

Машкура опа ёшлар билан ишлашни яхши кўради. Ишдан бўш вақтларида пайғамбаримиз ҳадисларини мутолаа этадилар. Турмуш ўртоқлари Тўхтапўлат ака иқтисодчи бўлгани учунми, уларнинг уч фарзандларидан қизлари Нигора ва Азизлар ҳам оталаридек иқтисодчи бўлишмоқчи. Нигора ТошДУнинг иқтисод факультети 3-курсида, Азиза эса қурилиш-коммунал коллежининг иқтисод бўлимида 3-курсда ўқимоқда. Ўғиллари мактабнинг 8-синфида ўқийди. Машкура опанинг нияти шундай: «Фарзандларим қайси касбда ишламасин, эл-юрт учун фойдаси тегса — шу менинг бахтим».

Норали ОЧИЛОВ

Adib adabi

СЎЗГА БАХШИДА УМР

Бу дунё — у дунё ҳақидами ё арши аъло томонларнинг воқеаларини — нимаики ўқиса, унинг қиёсини ўз атрофидан излайдиган жўн китобхонларданман. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» китобидаги «Муҳаббат Оллоҳ таолодандир» номли ҳадисда Абу Ҳурайро ривоят қиладилар: «Набий саллоллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло бирор бандасини (қилган амали солиҳлари туфайли) севгайдир, Жаброил алайҳиссаломга нидо қилиб: «Оллоҳ фалон бандасини севди, сен ҳам уни севгил!» дегайдир. Жаброил алайҳиссалом ҳам ўшал бандани севгайдирлар. Сўнг Жаброил алайҳиссалом осмон аҳлига нидо қилиб: «Оллоҳ таоло фалон бандасини севди, Сиз ҳам севингиз!» дейдилар. Осмон аҳли ҳам ўшал бандани севгайдир. Шундан сўнг, ер аҳлида унга нисбатан муҳаббат пайдо бўлгайдир». Ана шу муқаддас сатрларни ўқиб туриб, бехос ўйланиб қолдим. Шунда ўзим билган, қадрлайдиган солиҳ кишилар кўз олдимдан бир-бир ўта бошладилар. Яхши бўлиш бошқа, бутунлай яхши, туласича яхши деган даражага кўтарилиш, Ҳаллоқи олам марҳаматига, осмону ер муҳаббатига эришиш тамоман бошқа!

Ана шундай қудратли тоғ, ана шундай беқиёс боғ сиймоси Одил Ёқубов шахсида, назаримда, алоҳида ярақлаб, чарақлаб кўринади. Менинг бу ихлосим, боиси адиб асарларидами, кўнглим эҳтиёжи туфайли уларни такрор ва такрор ўқишимданми? Балки ўзга халқлар ёзувчи ва шоирларининг Одил Ёқубов истеъдоди, унинг улкан ва содда қалби ҳақидаги эҳтиромли сўзлари устозни мен учун янгидан кашф этганми?!

Эсимда, 50-йиллар ўрталарида жамиятимиз ҳаётида қатор ўзгаришлар бошланган эди. Биз, ўзбек адабиёти деб аталмиш муқаддас даргоҳ остонасида ийманибгина турган ёш ўғлонлар, номи болаликдан қулоққа таниш устоз адиблар даврасига янги, оташнафас бир тўлқин қўшилаётганини ҳис қилар ва яна нималардир содир бўлишини орзиқиб кутар эдик. Худди ана шу кунларда Одил Ёқубов имзоси билан «Икки муҳаббат» қиссаси эълон қилинди. У ёшлар орасида катта шов-шувга сабаб бўлди. Асар тил, услуб, тасвирнинг ўзига хослиги, энг муҳими, воқеанинг янгича ечими, ўша пайтгача адабиётимизда ҳукмрон бўлиб келган анъанавий муҳаббат тасвирининг бошқача тарзда ифодаланиши билан ажралиб турарди.

Биз ундан яна янги нарсалар кутардик. Бирин-кетин «Муқаддас», «Бир фельетон қиссаси» ва бошқа асарлари пайдо бўлди. Адабиёт тарихида шундай пайтлар бўладики, китобхонлар, мухлислар орасида бир адибнинг номи тилга кўпроқ олина бошлайди. 60-йилларда айнан Одил Ёқубов ана шундай адиблар сирасига кирди.

Шу ўринда бир фикр айтмоқчиман. Бу албатта, шахсий, қоида бўлишга даъво қилмайдиган фикр. Менимча, илгари прозамиздаги йирик асарлар аллақандай «жиддий» ёзилар эди. Одил ака қиссалари романтик услубдалиги, ҳаётни оҳангларда, ошиқона юксаклик билан куйлаш, табиатнинг худди ўзидай ранг-баранг манзаралари тасвирида баланд руҳли қўёқларнинг етакчилик қилиши билан адабиётимизга ўзига хос овозда бақувват адиб кириб келганлигини намоён қилган эди.

«Муқаддас»даги биллурдай покиза қиз ва пок муҳаббатга раҳна солган йигит образини эсланг. Икки ёшнинг руҳий ҳолатлари изтироблари, туйғулари қандай ёрқин, янгича бўёқларда чизилган эди. Балки, миллионлаб мухлислар орасида жуда машҳур бўлиб кетиши сабабларидан бири ҳам мана шудир. «Муҳаббат тўғрисида ёзилган қисса ва романлар жуда кўп. Демак, гап мавзуда эмас, балки бу ўлмас мавзуга қўл урган адибнинг ўзига хос ранглар топа олишида, гап инсон қалбининг энг нозик торларини черта билишида, оҳангларда, деталларда, қаҳрамон ўсиб вояга етган муҳитни чуқур тасвирлай олишададир». Ёзувчининг мазкур мавзудаги барча ҳикоя, қиссалари худди шу фикрнинг исботидай туйилади менга.

Чингиз Айтматов ёзганидай, хотираси бўлмаган, тарихи бўлмаган, кўҳна афсоналари, мумтоз адабиётда акс этган маънавий ҳасбиҳоли бўлмаган одам руҳан қашшоқликка маҳкум ва бундай одам мураккаб замонамиз ҳаётини англашга ожиздир. Бу ерда гап ягона одам ҳақида эмас, балки халқ тақдири хусусида кетаётгани равшандир. «Улуғбек хазинаси» романи халқимизнинг таржимаи ҳолини тўлдирган асар сифатида ўқувчилар меҳрини қозонди. Зулм, жаҳолат, зўрлик оламида илм-фан машъалини ёқа олган олим сиймоси ўтмиш воқеаларини ҳалол, холис, ҳақиқат ва яна ҳақиқатни айтиш эътиқодида туриб тасвирлашнинг энг ибратли намунаси бўлиб қолди, десам янглишмасам керак. Ватанга, илм-фанга муҳаббат, шу йўлдаги фидойилик умрнинг ғоясига, эътиқодига айланган. Буюк алломалар Ибн Сино, Беруний қиёфалари, уларнинг бор бўй-бастлари ички оламлари гарчи орада асрлар фарқи бўлса-да, Улуғбекнинг тадрижий давомидир. Бу чиндан ҳам «Навоий» романидан сўнг тарихий насримизда пайдо бўлган йирик ва салмоқли романдир.

Ҳар бир санъаткор адиб асарларида унинг ўз даври абадийлаштирилади. Одил Ёқубовнинг бугунги кун кишисининг қайноқ ҳаёти ҳақидаги кенг кўлам билан ёзилган «Диёнат», «Оқ қушлар, оппоқ қушлар» каби романларида замона муаммолари бутун қарама-қаршиликлари билан акс эттирилади. Бу асарларда улкан хўжаликлар раҳбарлари, табиатни муҳофаза этиш билан шуғулланадиган олимлар, чўлқуварлар, оддий пахтакорларни кўрамиз ва ўзимизни улар билан яшаётгандай ҳис этамиз. Уларнинг ҳаёти, меҳнати, катта ишлари завқ-шавқи билан кўз олдимизга келади, изтироблари дилимизни ачиштиради. Энг муҳими — уларда инсонийлик қиёфасини йўқотиш даражасига етган шахслар аёвсиз фош этилади.

Мана шундай мураккаб характерли қаҳрамонлар яратиш ишқида тўлғаниб турган менинг тенгдошларим ва ловуллаб-ловуллаб кўринаётган истеъдодли ёшлар устоз Одил Ёқубов тажрибаларидан баҳра олмоқдалар.

Ватандан буюкроқ туйғу йўқ дилда,
Ҳеч бир олов баланд ёнмас бу хилда.
Шу ҳис ёлқинланар нигоҳингизда,
Кураш дарсин олдим Сиз босган издан.
Ва ҳис этдик ўтмиш юрак сасини,
Тополдик «Улуғбек хазинаси»ни!
Тенгсизлик остида эзилганда эл,
Ана шу дард билан эсганида ел —
Шўронинг қиличи турган жойида,
Чириб қолган ўша темир қойида —
Жазаваси билан зиндон тўлганда,
Ўтказдингиз сўнгсиз оғриқни танда!
Не-не зотлар тушса ҳамки орага,
Айланди оқ қоғоз толмас наърага!
Олий минбарларга тик чиқиб ҳар дам,
Фидойи бир сафда турдингиз бардам.
Уйғотдик юфиллар қалбу онгини,
Кўриш насиб этди иқбол тонгини.
Сиз ҳам чироқ бўлиб карвонимизга,
Содиқсиз ҳамиша сарбонимизга.
Бағрингизда ёниб турган оловдан,
Муҳаббатдан яралган ўшал қаловдан —
Қалбига ўт олган қанча-қанчалар,
Шаънингизга энг ширин қўшиқ чалар.
Эзгу мерос қолар доим яхшидан,
Умрни этдингиз сўзга бахшида.
Табаррук ёшдасиз бугун, эй устоз,
Ғазалга айланди дилимдаги роз.

Йўлдош СУЛАЙМОН

Ko'ngil bitiklari

Шоир дунёни ранглар билан чизади. У жуда самимий чизади, юракнинг ранги билан чизади. (Шеър беҳудага юракдан чиқади дейилмаган). Унинг жилосида ҳар неки бор. Жилоларда Ватан шафофланади, соғинч мўралайди, кўнгил кўринади.

Чироқчилик шоир Мўмин Соатов ўттиз йилдан кўпроқ умри мобайнида ўқитувчилик қилиш баробарида талайгина шеърлар битган. Зеро бу иккала иш ҳам кўнгилнинг иши. Бири кўнгилларни илму зиё билан лиммо-лим этса, иккинчиси ундаги туйғуларни, кечинмаларни шодалаб инсонларга улашади.

МЕРОС

Замонлар ўрнига келади замон,
Авлодлар ўрнини олади авлод...
Бисотидан мерос қолдирар бирон,
Кимлардан зиёю, кимлардандир дод.

Сендан нима қолар, мендан-чи дўстим,
Бир доно сўзини қалбга жо этай.
Замон, замондошим сенинг қалбингга,
Мен битта шеър битай, шундай шеър битай...

ТОНГ ЛАВҲАСИ

Кўк юзида чарақлаб юлдуз,
О, бунчалар жимирлаб ўйнар.
Ой гўёки гулжамол бир қиз,
Латофат-ла мўралаб бўйлар.

Сой тарафдан майин ел эсиб,
Дилрабо куй таратиб елар.
Чақноқ юлдуз юзини тўсиб,
Мовий кўкда шафақ ёйилар.

Тош устидан сакраб шалола
Манзилига шошар тўлғониб.
Қадаҳ тутиб шабнамдан лола,
Япроқларин ёзар уйғониб.

Тонг бостириб келар, о, сирли лашкар
Саррин саболари оламни тутиб
Мен алдай бошлайман ўзимни ўзим,
Янги кун ташвиши билан овутиб.

Мўмин СОАТОВ

Xullas...

«ҚИТТАК»НИНГ ҚИЙМАТИ

Бордию Американинг Калифорния штатида «қиттак» қилиб қуйиб машина ҳайдасангиз, миниб юрган машинангизни бериб ҳам қутулолмайсиз. Сабаби энг кам жарима миқдори 400 доллар. Бу ҳамҳолва. Энди суд иши кўзгатилади. У томонларда оқловчи адвокатларнинг «нархи» еттинчи фалакда. Керак бўлса топасиз. Бордию оқланиб чиқдингиз ҳам дейлик. Энди «Ичкиликка қарши кураш» деган курсда ўқиб чиқишингиз шарт. Унга ҳам 400 долларга яқин пул керак.

«ЧЎНТАК» ЖАРОҲАТИ

Канаданинг Торонга шаҳрида яшовчи одамларга «проездной»нинг кераги йўқ экан. Негаким, шаҳардаги метро, трамвай, автобус, қисқаси ҳамма автоуловларга махсус кишининг бўйини ўлчовчи мосламалар ўрнатилган. Кимки муайян мосламалар кўрсаткичидан паст бўлса берди Худо. Йўқса урди Худо.

Шуни ҳам айтиш керакки, сўнгги пайтларда амриқолик усмирлар «слетра» еганга ўхшаб бораяпти. Бунинг-ку ҳеч ёмон томони йўқ. Фақат... бундан чўнтак «жароҳат»ланяпти, холос.

УЧУВЧИСИЗ УЧГАН САМОЛЁТ

Американинг Дейтон шаҳридаги воқеа кўпчиликни беихтиёр ёқа ушлашга мажбур қилди. Яъни шаҳар аэродромида турган самолёт ҳайдовчисидан «қочиб» кетди. Айтишларича, учишга шайланаётган самолётнинг дабдурустдан двигатели ўчиб қолади. Учувчи «темир қуш»нинг «касали»га диагноз қўймоқчи бўлиб ерга тушади ҳамки, самолёт тўсатдан «ё, пирим» деб йўлга тушади. Ва ерда етарлича тезлигини оширадида, осмону фалакка кўтарилади. Хуллас, кўкда ўзига «бек», ўзига «хон» самолёт, тахминан 150 километр масофагача парвоз этиб... яна заминга шунқор бўлади.

ana shunaqa gaplar

Sport

ЯНА БИР ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

АҚШда бокс бўйича қуролли кучлар командаларининг навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда ҳамюртларимиздан тўққиз нафари иштирок этди. Наримон Отаев олтин, Темур Ибрагимов кумуш медални қўлга киритдилар. Вакилларимизнинг қолганлари ҳам совринли ўринларни эгаллашди.

ХИТОЙ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Аёллар футболи бўйича навбатдаги 11-Осиё чемпионати Хитойда бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма командаси ҳам иштирок этди. Улар дастлаб филиппинлик рақибларини 2:1 ҳисобида мағлуб этишди. Қолган учрашувларда эса, бирорта ҳам ютуққа эриша олмадилар. Шундай қилиб, Хитой аёллар терма командаси олтинчи бор жаҳон чемпиони бўлишди.

ЛОБАНОВСКИЙ ҲАМ ЙИЛ ҚАҲРАМОНИ

Россияда нашр қилинадиган «Новая газета» (Янги газета) таҳририяти ҳар йилгидек 1997 йилнинг энг улуғ кишиси сўровини ўтказди. Унда газета ўқувчилари йил давомида ўзларига ёққан беш кишининг исм ва фамилияларини кўрсатдилар. Киевнинг «Динамо» футбол клуби бош мураббийси Валерий Лобановский сўров натижаларига кўра 3-ўринни олди.

КИМ ҒОЛИБ ЧИҚАДИ?

Бугун Тошкент шаҳрида каратэ бўйича ёшлар ўртасида мамлакат чемпионати бошланади. Унда барча вилоятлардан 500 га яқин вакиллар иштирок этишади. Ғолиблар Ўзбекистон чемпиони фахрий номига эга бўладилар ва халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шуҳратини ҳимоя қилишади.

100 БИЛАН ЮЗЛАШДИ

Чаққоноёқ футболчи, Наманганнинг «Навбаҳор» командаси аъзоси Олег Шацких 5 йилдан буён ўтказилаётган Ўзбекистон чемпионатида рекорд натижага эришди. У рақиблари дарвозасига мамлакатимизда биринчи бўлиб 100 тўп киритди. Ҳозирча иккинчи ўринда Рустам Дўрмонов турибди, унинг ҳисобида 95 гол бор.

maydonchasi

КУЛГАН ИНСОН ҚАРИМАС

Кулги ва ҳазил ёнма-ён, ҳазил-мутойибадан сўнг эса кулги туғилади. Қувноқликка мойил инсонларнинг кўнглида ғубори йўқ, лабларида ним табассум ва бундайлар узоқ умр соҳибларидир. Олимлар ўтказган илмий тадқиқотларга қараганда, бир дақиқа тўхтовсиз кулган инсоннинг ҳаёти ўн беш дақиқагача узаяди.

«Жами тана ҳаракатларининг ичида энг соғломи кулгидир: у овқат ҳазм қилиш ва қон айланишини яхшилайди, барча аъзолардаги ҳаёт қувватини оширади», деб ёзиб кетган эди донишмандлардан бири.

Халқимиз кулгига ўч, қадимдан шундай. Асрлардан асрларга ўтиб, тилдан тилга, дилдан дилга кўчиб келаётган Насриддин Афанди латифалари қайсимизнинг кўнглимизга маънавий озуқа бўлиб кирмаган? Қочирим, киноя, шаъма, қитмир гаплар яширин Насриддин Афанди латифалари баъзан қувноқ қаҳқаҳа уйғотса, баъзан коса тагида ним коса тариқасида бир кайфият пайдо қилади. Мулла Насриддин латифаларининг сони қанчалигини айтиш қийин. Улар киши кайфиятини кўтарибгина қолмасдан, етти ўлчаб бир кесишга, тадбиркорлик ва доноликка ундаши ҳам барчага маълум.

Ҳазилкаш, содда, самимий, гоҳо ўзи билиб-билмай қовун тушириб қўядиган кишиларга нисбатан «Афанди» лақабини тиркаб гапиришимизнинг замирида ҳеч қандай ғаразгўйлик, қунгли қоралик йўқ. Афанди — кулгисевар, ҳеч кимга ёмонлиги йўқ, ҳазил-ҳузули билан барчага бирдек ёқадиган инсон.

Водий вилоятларида кенг тарқалган аскиябозлик санъатини дунёнинг бошқа минтақаларида учратишмаган. Ҳали-ҳануз Маргилон, Қўқон, Фарғона, Андижон томонларда аскиячиларнинг ичакузди ҳангомалари, сўз ўйинлари, гурунглари давом этиб келмоқда. Давралар кулги билан гуриллаб турса, қандайдир ғам-ғуссадан кўнгли чўкиб юрган кишининг юзига бир лаҳзалик табассум югурса, умуман, барча инсонлар кулиб юришса, уларнинг ҳаётга ташналиги сўнмаса, қадриятлардан бири шу эмасми?

Эргаш Каримов, Ҳусан Шарипов, Мирза Холмедов, Обит Асомов, Болтабой Тошматов каби қизиқчиларнинг чиқишларидан қай биримиз завқланмаймиз? Ҳожибой Тожибоевнинг ҳаётдан олинган ҳангомалари-чи? «Ўзбекнинг гапи қизиқ, гапидан ҳам ўзи қизиқ» дейди бу қизиқчи ва жиддий қиёфада ўз бисотидаги гаплардан тўкиб ташлайди. Ҳеч бири тўқима эмас, қандоқ бўлса шундоқлигича ҳаётдан олинган. «Фалончининг ошида кўринмадингиз?» деб сўраймиз бирбиримиздан», дейди Ҳожибой қизиқчи. «Нима сиз гўштмидингиз, нўхатмидингиз ошда кўринмайдиган?» деб ўз жавобини муҳайё қилади яна қизиқчи. «Гурр» этиб кулги кўтарилади, мухлисларнинг юзларига табассум югуриб, кулгидан кўзлари ёшланади, толиққан асаблари ҳузурланади.

Шунақа, қизиқ гаплар, ҳангомалар, ҳазил-мутойибалар ҳар биримизга ёқади. Буларга эҳтиёж сезмаслигимизнинг ёки кулгини нари суриб қўйишимизнинг сира иложи йўқ. Кулги ва ҳазил бизга дўст, суянчиқ, жуда кенг маънода маънавий эҳтиёждир.

Болгариянинг Габрово шаҳри аҳолисини бутун дунёда энг кулгисевар, ҳазилкаш инсонлар деб билишади. Улар жиддийликни ёқтиришмайди ва бир-бирларига қилаётган ҳазилларида тежамкорлик, тадбиркорликни қўлашади. Мисол учун габроволиклар уй қуришдан аввал кўча чироғи қайси тарафда эканлигига аҳамият беришади. Ва албатта деразани кўча чироғи тарафга қаратиб қурадилар. Бунинг сири, озмунча бўлсада уй чироғидан камроқ фойдаланишда экан.

Сартарошхонага келган габроволикдан уста сўрабди:

— Упа ҳам суриб қўяйми?

— Нима, у хизмат ҳақига кирадими?

— Худди шундай.

— Бўлмасам, марҳамат қилиб қоғозга ўранг, хотиним фойдаланар.

Габрово латифалари бугунги кунда бутун дунёга кенг тарқалган. Кулгисевар халқнинг бисотидаги қизиқ гаплар юртимизга ҳам етиб келган ва маънавий озуқа сифатида кўнгиллардан жой олмоқда.

Кулги инсон умрини узайтирувчи омил бўлгани учунгина эмас, балки кишилар ўртасида самимиятни пайдо қилувчи куч бўлгани учун ҳам уни қадрлаймиз, тарғиб-ташвиқ этамиз. Қайси вақтли матбуот нашрини олиб варақламанг, кулги учун алоҳида саҳифа ёки рукн мавжудлигига гувоҳ бўласиз. Ҳажвий суратларга ёзилган тагсўзларнинг ҳаёт билан ҳамоҳанг эканлиги сизни лол қолдиради. Уқийсиз, томоша қилиб, куласиз ва ўйга толасиз: «Чиндан ҳам шундай!». Ҳажвий журнал «Муштум» саҳифаларидаги ярим ҳазил, ярим жиддий мақолалар, алмойи-алжойи гаплар, пойинтар-сойинтар иборалар, рассом мўйқаламида нишонга олинган эгри-бўғри суратлар - ҳаммаҳаммаси руҳимизни озиқлантиради, тозартиради ва мулоҳазага ундайди.

Ҳар йили апрель ойининг дастлабки кунини кулги байрами сифатида нишонлаймиз. Бу жуда ажойиб анъана. Аслида инсонларнинг ҳар бир куни кулгисиз, ҳазил-мутойибасиз ўтмаслиги аён. Меъёри билан қилинган ҳазил, қуюшқондан чиқмаган қаҳқаҳа — булар самимиятнинг кўринишлари.

Ўз ўрнида жиддийлик ҳам яхши. Ўз ўрнида ҳазил-мутойиба ҳам бор бўлсин! Иккиси ҳам ҳар биримизга хос ҳолат. Кулинг, умрингиз узоқ бўлади!

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

Қиш гашти бўлакча

ЁШ ШАХМАТЧИЛАР ЮТУҒИ

Самарқанд вилояти болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази саройида вилоят ўсмирлар ва қизлар орасида спортнинг шахмат тури бўйича саралаш мусобақалари ниҳоясига етди.

Бу мусобақани вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда вилоят шахмат уюшмаси ташкил этди.

Мусобақада жами 60 га яқин ёш шахматчи иштирок этди. Тўққиз кун давом этган қизғин беллашувларда спорт усталигига номзодлар В. Баженов ва Э. Исмоиловлар бир хил натижани кўрсатиб, 1-2-ўринларни қўлга киритдилар. Учинчи ўринда биринчи даражали шахматчи Ж. Жамолов, қизлар мусобақасида Ҳамроқулова, Н. Гусова ва Т. Жамоловалар фахрли ўринларга сазовор бўлишди.

Ўн ёшгача бўлган барча шахматчилар орасида ғолиблик ўғил болалар орасида С. Сушко ва қизлар орасида Н. Мардоноваларга насиб этди.

Мусобақа ғолибларига вилоят шахмат уюшмасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

«НОШУКРЛИК»МИ?

Fikr

Яқинда бир дўстим билан баҳслашиб қолдим. У айтди: «Бахтиёр акани танийсан-ку. Нима жонингга зарур, уйинг бўлса, тагингда машинанг бўлса, яна нимага елиб-югурасан. Биттагина ўғли бор. У ҳам уйланган, фарзандли бўлган. Бир савдо дўкони, тикувчилик цехи, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган томат тайёрлаш кичик корхонаси ҳам ишга тушай деб қолди. Ўзинг айт, битта ўғилга дўконнинг ўзими, тикувчилик цехининг ўзими етмайдими? Одам деганининг кўзи оч бўлар экан-да. Уни тупроқ тўлдирмаса, бошқа нарса тўлдира олмайди. Ахир, шукр ҳам қилиш керак-ку, дўст».

Дўстимнинг гапларини ёқлайдиганлар ҳам чиқиши мумкин. Мен эса унинг сўзларига қўшилмайман. Табиийки, нима учун деб сўрарсиз? Дўстим айтган ўша Бахтиёр аканинг қилаётган ишларини олижаноблик дейиш мумкин. Биргина тикувчилик цехини олайлик. Шу цехнинг ўзи ўн-ўн беш кишини иш билан банд этади. Бу масаланинг энг муҳим томони. Кейин кишиларнинг шу ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи қондирилади. Демак, инсонлар турмуш даражаси яхшиланади. Тўғрими? Агар ўша киши биттагина ўғлим бўлса, унга битта дўконнинг ўзи етади. Уй бўлса мана, машина бўлса мана деса ҳам бўларди. Бироқ у тадбиркор инсон. Бироқ у «ношукр» киши. У нима қилишни яхши билади. Ўзининг қўлидан келадиган барча ишбилармонликни фақат ўғли учун қилиши виждонига тўғри келмайди. Жуда кўпчиликка яхшилик қилгиси келади. Қураяпсизми, «ношукрлик»нинг самарасини?! Халққа фойдаси тегмоқ йўлида қўлингиздан нима иш келса, нимани уддасидан чиқа олсангиз ҳаммасини қилинг.

Лекин дўстим ҳам ўз фикрида қолди. Менинг гапларимга яхши диққат қаратмагани учун менинг сўзларимни инкор қилгандир. Сиз нима дейсиз, балки дўстим ҳақдир?

Ғайрат МАЖИД

ЭЪЛОН

Бўстонлиқ тумани Ғазалкент шаҳридаги 3-ўрта мактаб томонидан Нишонов Мурод Абдусаматович номига берилган «Д N 448684» рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати ва тарих факультети жамоаси «Тарих ўқитиш методикаси» кафедраси ўқитувчиси М. Носировага турмуш ўртоғи Бозорбой НОСИРОВ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Аҳмад ОТАБОЕВ,
Алишер НАЗАРОВ

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0825. Тиражи 21.111. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6